

---

## ТУМАНИМИЗ ФЕРМЕРЛАРИ “ХЕТТРИК”КА ЭРИШДИ

Туманимиз миришкорлари бу йил қишлоқ хўжалигида ўзига хос “хеттрик” қайд этишди. Чиллаки ҳосил – пилла етиштириш ва давлатга ғалла сотиш режаларини ортиғи билан уддалашга муваффақ бўлган деҳқонлар 11 октябрь куни пахта тайёрлаш режасини ҳам бажаришди.

Жорий мавсумда 5 минг 200 гектар майдонга барака уруғини қадаган бағдодликлар давлатимиз хирмониغا 14 минг 400 тонналик ҳисса қўшишни мақсад қилишганди. Асл миришкорлар бу миқдорни 15 минг 600 тоннага етказишмоқчи.

Эътиборлиси, туманда бу йилги мавсумда ҳар гектар ердан 40-45 центнердан ҳосил олган фермерлар сафи кенгайди. Жумладан, “Амиробод”, “Онажон”, “Боғи Эрам”, “Бардош элита файз”, “Яшил водий пахтазори”, “Темиров Зайнулло”, “Пойқадам Бағдод”, “Нурмуҳаммад боғи”, “Қорақўл пахтазори” каби фермер хўжаликларида ана шундай юқори кўрсаткичлар қайд этилди. Уларнинг ҳар бири пахтачиликдан 200-250 миллион сўм даромад олмоқда.

- Биз бу ғалабани 23 йил кутдик, - дейди туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Орифжон Ҳалимов. – Ҳозиргача эсимда бор, 1993 йилда туманимиз пахтакорлари режани бажаришга муваффақ бўлишган. Лекин ўша йили ғаллачиликда ишимиз юришмаганди. Ўшандан буён белгиланган режаларни уддалаш деҳқонларимизга армон бўлиб қолаётганди. Мана, орадан шунча йил ўтиб, қишлоқ хўжалигининг 3 та йўналишида юқори натижа қайд этиб турибмиз. Бундан фермерларимиз ҳам, халқимиз ҳам жуда хурсанд.

Айни пайтда туманда 2020 йил ҳосили учун дон экиш ишлари қизғин давом этмоқда.

**Бағдод тумани ҳокимлиги**

**Ахборот хизмати.**

2019-10-12 10:45:10